

Яқин келажакда вилоят кишлок хўжалигини модернизация ва диверсификация қилиш орқали мева, сабзавот, полиз ҳамда гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш, уни қайта ишлаш саноатини кенг ривожлантириш, шунингдек, вилоятни иктисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳар бир тумanning ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва муқобил энергия манбалари асосида иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек келгуси беш йилда кишлок хўжалиги ер майдонларини оптималлаштириш ҳисобига гўшт ва сут ишлаб чиқаришни камида 1,3 баробар, тухум етиштириш 1,7 марта, картошка-1,1 баробар, мева-сабзавотни-1,2 баробар, узум етиштиришни-1,8 марта кўпайтириш, уларни қайта ишлашда озиқ-овқат саноатида 210та инвестиция лойиҳаси жорий этилиши режалаштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда вилоятда мева-сабзавот ва полиз ҳамда чорва маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш саноатини ривожлантиришда масалаларга эътиборни қаратиш лозим деб ўйлаймиз:

1. Вилоятнинг ҳар бир туманининг табиий иқлим, ер ва сув ресурслари билан таъминланиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар ва қайта ишлаш корхоналарини қуриб ишга тушириш;

2. Сабзавот, полиз, узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларини ташкил этиш;

3. Вилоятнинг сув ресурслари билан яхши таъминланган туманларида бугдойдан кейин сабзавот, полиз экинларини экишни йулга қўйиш ва давлат режасига киритиш ҳамда фермер хўжаликларига етиштирилган ҳосилни ташқи бозорга экспорт қилишда имтиёзлар бериш;

4. Сув таъминоти танқис бўлган ҳудудларда сўғоришнинг илғор технологияларидан фойдаланган ҳолда боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларини ташкил этиш;

5. Минтақанинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган туманларида қуй ва эчкичилик, асаларичиликни, табиий ва сунъий сув ҳовзаларига эга туманларда балиқчилик, сўғориладиган пахта ва ғалла етиштириладиган озуқа базаси етарли бўлган туманларда замонавий зооветеринария хизматларига асосланган, автоматлаштирилган фермер хўжаликларини ташкил этиш;

Юқоридаги тавсиялардан келиб чиқиб, вилоятда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлашни оқилона жойлаштириш, шубҳасиз аҳолининг турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: "Ўзбекистон", 1995.
2. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. - Т.: "Жайхун", 1996
3. Солиев А. Ўзбекистон географияси. - Т., Университет, 2014

ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ: УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

*Жумаев Т., Усманов М.Р., Убайдуллаев Д., Жуманов О.
Жиззах ДПИ*

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқ иктисодиётни барча соҳалари катори аграр соҳада ҳам муҳим ислохотлар амалга оширилди. Натижада, кишлок хўжалиги ва унинг тармоқлари республика иктисодиётини етакчи бўғини сифатида тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Бинобарин, республика кишлок хўжалиги мамлакат халқ хўжалигининг энг муҳим ва энг йирик тармоғи бўлиб, у аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларини эса, хом ашёга бўлган талабини қондиради.

Ўзбекистон ҳукумати чорвачиликни барқарор ривожлантириш муҳимлиги ва мавжуд муаммолар жиддийлигини эътиборга олиб, тармоқни ислоҳ қилиш борасида қатор чоралар кўрмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган "Ветеринария тўғрисида"ги, 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган "Наслчилик тўғрисида"ги қонунлари чорвачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартда "Республика чорвачилигида иктисодий ислохотни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 1994 йил 23 февралдаги "Чорвачиликда иктисодий ислохотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги, 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари чорвачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Амалга оширилаётган ишлар натижасида барча тоифа хўжаликларда йирик шохли қорамоллар сони 10141,3 минг бошга етказилиб, 2012 йилга нисбатан ўсиш даражаси 5,2 фоизга, шундан сигирлар сони 3935,0 минг бош ёки 1,5 фоизга, қўй ва эчкилар сони 17128,8 минг бош ёки 5,8 фоизга, паррандалар бош сони 47485,8 минг бош ёки 11,1 фоизга ошди. Шунингдек, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт (тирик вазнда) 1672,9 минг тонна ёки 7,0 фоизга, сут 7310,9 минг тонна ёки 8,1 фоизга, тухум 3873,6 млн. дона ёки 12,6 фоизга кўп етиштирилди.

Чорвачилик агросаноат комплекси хариталарини тузишга илмий ёндашишнинг асосий бўғини сифатида соҳалараро уйғунлашувни ўзида акс эттирган у ёки бу турдаги 120 хариталарни ўз ичига олган аниқ бир картографик тизимни яратишни таказо қилади. Махсус чорвачилик агросаноати комплекслари орасидан сут, гўшт ва паррандачилик ихтисосликларини алоҳида қайд этиш лозимдир. Чорвачилик агросаноати комплексларини шакллантириш асносида сут ва гўштни қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришнинг технологик босқичларини ўз ичига қамраб олган алоҳида аграр-индустриал цикллар ётади.

Бу соҳалар ва ишлаб чиқаришларни қуйидагича тақсимлаш мумкин:

1) таянч (ем-хашак етиштириш, омухта ем ва микробиологик саноатни қўшган олган ҳолда);
2) чорвачилик маҳсулотларини етиштириш (чорвачилик тармоклари – чорвачилик, йилқичилик, паррандачилик, қўйчилик ва бошқалар);

3) чорвачилик маҳсулотларини саноатда қайта ишлаш (сут, ёғ ва пишлоқ, гўшт, пар ва пат, кўнчилик);

4) инфратузилма (чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, етказиш ва сотиш);

5) чорвачилик ва саноат ишлаб чиқариши учун керакли бўлган ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи ва унинг маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар (ферма ва чорвачилик комплекслари учун керакли бўлган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш, сут ва гўшт саноати учун технологик асбоб-ускуналар, ювиш воситалари). Гўшт-сут ва паррандачилик саноати тизимининг шаклланиши негизда маҳсулдор чорвачилик ва паррандачиликдаги меҳнатнинг географик бўлиниши ётибди.

Тизимнинг ҳудудий кенгайиши хариталарга сут, сут-гўшт ва гўшт чорвачилигининг киритилиши билан аниқланади. Сут ва мол гўштини етиштириш сут ва гўшт қорамолчилиги билан бирга олиб борилади, ва турли табиий-иқтисодий шарт-шароитларда бу турлича бўлади. Бугунги кунда гўшт ва сутни саноат асносида етиштириш юқори суръатда ривож топмоқда. Бу ҳудудий тизимларни ёритишда босқичли техникавий ихтисослашувни, ишлаб чиқаришнинг кооперациялашуви ва бир жойга тўпланишини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Чорвачиликка йўналтирилган агросаноат комплекслари қишлоқ хўжалигининг асосий таркибий қисмининг харитасини тузишда, вилоятларда чорвачиликнинг босқичли техникавий ихтисослашуви асносида тармоқ ичидаги меҳнат бўлинишини кўрсатишимиз лозимдир. Чорвачиликда ички тармоқ ихтисослашуви ва хўжаликлараро кооперациялашуви асносида мустақил хўжалик операциялари ажралиб чиқади, масалан: наслчилик иши, юқори маҳсулдор урғочи ёш қорамолларни етиштириш, сутнинг товар ишлаб чиқарилиши. Сут чорвачилигига ихтисослашган хўжаликлардаги бундай кооперациялашув натижасида, улкан ҳажмдаги ёш чорва молларни боқиб семиртиришга йўналтирилган хўжаликларга бериш ва ем-хашакни тежаш орқали сут товар етиштириш ҳажмини оширишга эришилади.

Барча чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг ҳам-ашё базаси ем-хашак ҳисобланади. Ем-хашак ишлаб чиқариш типи ва ишлаб чиқарилаётган ем-хашак турлари жиддий равишда чорвачилик тармоклари типи ва тузилишига таъсир кўрсатади. Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг сезиларли даражада ошиши ва чорвачилик саноати комплекслари фаолияти самарадорлиги, ем-хашак базасининг самарали ташкил қилиниши ва қулай шароитлардаги чорвачиликнинг асосий тармоклари концентрацияси асосланиши билан узвий боғлиқдир. Чорва молларни маҳсулдорлиги ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилишнинг таннархи маълум даражада ем-хашак базаси ташкил қилиш хусусияти ва чорвачилик типига ҳам боғлиқдир.

Чорвачилик маҳсулотлари таннархи тузилишида ем-хашак нархи 60 фоизгача белгиланади, шунинг учун чорвачилик рентабеллиги сезиларли даражада ем-хашак ишлаб чиқаришда техникавий операцияларга сарфланган сарф-харажатлар ва унинг сифатига боғлиқдир. Шу ўринда, ем-хашак базаси ҳолатини чорва моллари бош сони ва хўжаликнинг тузулиши билан баҳолаш мумкин. Ўзбекистонда чорвачилик агросаноат комплексини ривожлантириш борасида ечимини қутаётган жиддий муаммолар ҳам бор. Булар қуйидагилар:

- озуқа экинлари учун экин майдонларининг етишмаслиги;
- бозорларда озуқанинг сифатини пастлиги ва нархнинг баландлиги;
- ветенария хизматини кўрсатиш ва насилчилик ишларидаги муаммолар;
- яйловларни етишмаслиги ва ҳ.к.

Ҳозир ушбу муаммоларни ҳал этиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бунда тадқиқотни бошқа усуллари қатори, картографик метод алоҳида ўрин тутди. Буннинг учун ягона дастур асосида бир-бири билан боғланган ва бир-бирини тўлатадиган мавзули хариталар тизимини ва алоҳида комплекс соҳавий чорвачилик атласини яратиш лозим. Бу чора-тадбирларнинг барчаси, сўзсиз, ижобий натижа беради ва соҳа самарадорлигини ошишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов. қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўқин ҳаёт манбаи, Т. Ўзбекистон, 1998.
 2. Эгамбердиев А. Ўзбекистонда комплекс харитага олиш: унинг ривожланиши, ҳолати, истиқболлари, муаммолари. – Тошкент, 2011.-36 б.
 3. Ўзбекистонда чорвачилик: бугунги ҳолати, муаммолари ва тараққиёт истиқболлари. Аграр секторни ривожлантириш тенденциялари нуктаи назаридан таҳлил. – Қарши: Насаф, 2010. – 153 б.
- Сайтлар: www.wto.org, www.usda.gov, www.fao.org, www.dehqon.uz, www.msbx.uz, www.uz.bir.uz.

МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ НОАНЪАНАВИЙ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

*Назаров Х., Нишонов С., Туркешов Н
Самарқанд давлат университети*

Яқин келажакда дунё бўйича асосий энергия манбалари алтернатив энергия булади. Ўзбекистон Республикаси, жумладан Мирзачўл воҳаси куёш, шамол, сув ресурсларига бой ҳудуддир.

Ҳозирги мавжуд метеорологик, гидрологик кузатув станциялари етарли эмас, улар Мирзачўл воҳасининг ҳамма ҳудудларини қамраб олмаган. Метеорологик станцияларда шамол тезлиги ва йўналиши ва кучи 20-40 метр баландликларда ўлчанмаган. Жойнинг рельефи, сув хавзаларнинг яқин-узоклигига боғлиқ ҳолда ҳам, маҳаллий иктисодий фойдалана олиш усуллари ишлаб чиқилмаган.

Мирзачўл воҳасида олис тоғли ҳудудлар (Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш, Янгиобод қишлоқ туманлари) катта ҳудудда бўлиб, у ерда жойлашган аҳолини электр токи билан доимий таъминлашда арзон, ҳар жихатидан хавфсиз бўлган, кичик ГЭС (гидроэлектростанция) ларни қуриш, илмий ўрганишни тақозо қилади.

Алтернатив энергетикасининг ривожланиши янги иш жойларини ташкил қилишдаги аҳамиятини очиш.

Мирзачўл воҳасида жойлашган Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг электр-энергия берадиган шамол, сув ва куёш ресурслари қувватини аниқлаш йўллари асосида улардан самарили фойдалана олишнинг энг муҳим мақбул усуллари ишлаб чиқиш ва уларнинг имкониятларини карталарда акс эттириш.

Қилиниши лозим бўлган ишлар куйидагилар:

-Мирзачўл воҳасидаги метеорологик станциялар бўйича шамол доимий ҳудудларни аниқлашнинг назарий асосларини яратиш, шамол тезлиги ҳақида маълумотларни тўплаш, уларни ойлар ва йиллар бўйича ҳаво босими ва бошқа омиллар таъсирида ўзгариш қонунларини очиб бериш, ҳудудларда электр энергия берадиган шамол кучини аниқлаб картага туширишнинг ўзига хос илмий асосларини яратиш;

-Мирзачўл воҳаси ҳудудидаги, асосан тоғли қишлоқ туманлари (Бахмал, Зомин, Фориш, Янгиобод) да тезоқар дарё ва сойларда доимий бир меъёردа ишлай оладиган мини ГЭС қуришда географик омиллар ўрнини асослаб бериш. Бундай мини ГЭСларнинг иктисодий тежамкорлиги, экологияга зарарсиз таъсирини илмий асослаш.

-Мирзачўл воҳаси ҳудуди бўйича электр энергия берадиган куёш радиацияси интенсивлигини аниқлаб картага тушириш ва тавсифини ёзиш;


Мирзачўл воҳаси ҳудуди бўйича электр энергия берадиган алтернатив манбалардан фойдаланишни илмий-амалий аҳамиятини асослаш куйидаги босқичларда амалга оширилиши лозим:

Биринчи босқич; Шамол кучли эсувчи ҳудудларда жумладан: Янгиқишлоқ, Янгиер, Ғаллорол, Нурафшон шаҳарларида 40 метр баландликдаги шамол тезлигини аниқлаш мақсадида шамол тезлигини ўлчагич ва шу билан биргаликда Куёш радиациясини ўлчовчи асбобларни ўрнатиш, доимий ўлчаш ишларини олиб бориб, карталарда акс эттириш.

Иккинчи босқич; Шамол тезлиги кучли бўлган жойларда, масалан, йирик сув хавзаларида (Айдар, Арнасой қўллари, Жиззах, Зоминсув сув омборлари), тоғлар орасидаги ботиқларда, тоғлардаги довларда стационар ва ярим - стационар методлар ёрдамида шамол тезлиги ва куёш радиацияси миқдорини аниқлаш;



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ



РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛЛАРИ

Термиз-2016

126.	НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИ-ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРИЗМДАГИ АҲАМИЯТИ <i>Рахматов Ю.</i>	152
127.	SURXONDARYO VILOYATINING TURIZMI VA UNING ISTIQBOLLARI <i>Esanov N.A., To'rayev Q.T., Matayusupov T.T.</i>	154
128.	ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА АХОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ <i>Маматқулов Т.Д.</i>	155
129.	СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ СУБТРОПИК ИКЛИМИ ШАРОИТИДА УЗУМНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАРИНИНГ КУРСАТКИЧЛАРИ <i>Кучкоров А., Мирзаев А., Худайберганов Ш.</i>	157
130.	СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ <i>Абдуназаров Х., Чориев А., Хасанов У.</i>	158
131.	ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ: УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ <i>Жумаев Т., Усманов М.Р., Убайдуллаев Д., Жуманов О.</i>	159
132.	МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ НОАНЪАНАВИЙ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ <i>Назаров Х., Нишонов С., Туркашов Н.</i>	161
133.	КЎЙИ АМУДАРЁ МИНТАҚАСИ МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАРИНИНГ САНОАТ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ <i>Худайберганова Р.Т., Аминов Б.Б.</i>	162
134.	ЧЎЛ ЗОНАСИДА ҚИШЛОҚЛАР ДИЗАЙНИ ХУСУСИДА <i>Бахромов Г., Ражибова М. Ж.</i>	163
135.	КУЗГИ БУГДОЙДАН СЎНГ ЭЖИЛГАН ТАКРОРИЙ, ОРАЛИҚ ВА СИДЕРАТ ЭКИНЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ <i>Тожиёв М., Тоджиёв К.М.</i>	165
136.	NAVOIY VILOYATI TABIIY BOYLARINING SANOAT TARMOQLARINI RIVOJLANTIRISHDAGI AHAMIYATI <i>Qodirova M. M.</i>	166
137.	СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ <i>Умарова М.Х., Жабборова Ш.</i>	168
138.	IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA "NAVOIY" ERKIN INDUSTRIAL IQTISODIY ZONASINING O'RNI <i>Negmatov S. Q.</i>	168
139.	ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ <i>Маматқулов Т.Д., Усманов Ч.Б.</i>	170
140.	БОЗОР ИҚТИСОДИЕТИ ШАРОИТИДА МИКРОРАЙОНЛАРГА АЖРАТИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ <i>Рахимов А.К., Исмоилов Р.О.</i>	172
141.	NAVOIY VILOYATI REKREATIONS OBYEKT LARI VA TURISTIK SALONIYATI <i>Jitayeva M. B.</i>	173
142.	ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ АҲАМИЯТИ <i>Туранов М.</i>	175
143.	СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ГЕОГРАФИК ИҚЛИМ ШАРОИТИДА МОЙЛИ-МЕВАЛИ ЭКИНЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ <i>Жўраев Э.Б., Абдуллаев С.Б.</i>	176
144.	ЎЗБЕКИСТОНДА НЕФТ ВА ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ <i>Xatmuyev N.J. Mukimov A.S.</i>	177